www.ishonch-doverie.uz
2011-yil 17-sentabr № 115 (2996) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ўқув семинари**

*Мамлакатимизда ёшларни малакали, етук мутахассислар этиб тарбиялаш борасида зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда. ЎзКУФК Раёсатининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўқув марказида 2011 йилда касаба уюшма кадрлари ва фаолларини ўқитиш режаси тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил қилинган ўқув семинари ана шу мақсадга хизмат қилди. Бир ҳафта давомида «Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришнинг стратегик тамойиллари» мавзусига бағишланган семинарда аъзо ташкилотлар ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмалари кенгашининг Ёшлар кенгаши раислари ва аъзолари малакаси оширилди.*



# Малакали мутахассис — касаба уюшма таянчи

— Семинарда долзарб мавзудаги маърузаларни тингладик, — дейди ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Зафар Исмоилов. — Турли вилоятлардан келган 28 нафар касбдошим билан мулоқотларда бугунги кун касаба уюшма етакчиси бир соҳа билан чекланмаслиги, мамлакатимизда, дунёда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиши талаб этилишига амин бўлдим.

Иштирокчиларнинг кўтаринки кайфияти ва мунозарали суҳбатидан касаба уюшмалари тизимида Ёшлар кенгашининг фаолияти жонланаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.



— Касаба уюшмалари томонидан ташкил қилинган бу каби семинарларда илгари ҳам иштирок этганман, — **дейди Навоий вилояти Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши мутахассиси Ҳамза Эшонкулов.** — Ёшлар кенгаши раислари ва аъзоларининг илк ўқув семинарида қатнашаётганимдан мамнунман. Олимлар, тажрибали мутахассисларнинг дарслари ва савол-жавоблар менда катта таассурот қолдирди. Бу ерда олган билимимиз фаолиятимизда яхши натижа беришига ишонаман. Маърузаларни бевосита вилоятларда ёшлар билан юзма-юз давом эттириш керак. Қолаверса, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашганимиз ҳам жуда фойдали бўлди. Ўз навбатида, семинар иштирокчилари номидан ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги «Ishonch» ва «Ishonh-Доверие» газеталари раҳбарияти билан бўлган учрашув эса очиқ мулоқот шаклида кечганлиги, баҳсу мунозараларга бойлиги билан тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Машғулотни таҳририятнинг бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов ва бош муҳаррир ўринбосари Довуд Мадиев олиб борди. Тингловчилар томонидан ўринли таклифлар берилиб, келажакда нашр билан ҳамкорликда фаолият олиб боришга келишиб олинди.



**Ҳусанбой Назаров, Андижон Олимпия захиралари коллежи касаба уюшмаси қўмитаси раиси:**

— Газетанинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Халқаро касаба уюшмалари фаолиятидан хабар берувчи саҳифани кенгайтиришни сўрардим. Назаримда, газетани ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ишлари бироз суст. Агар уни ойнаи жаҳон орқали тез-тез реклама қилиб, чоп этилаётган долзарб мақолалар ҳақида қисқа маълумотлар берилиб борилса, яхши бўлар эди.



**Бобомурод Хўжаёров, Қашқадарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўлими мудири:**

— Ҳуқуқий мавзудаги чуқур таҳлилий мақолаларини доим ўқиб бораман. Ҳуқуқий сабоқлар касаба уюшма фаоли учун жуда зарур. Бироқ жойлардаги жамоатчи мухбирлар фаоллигини ошириш керак. Вилоятлардаги ҳар бир мухбир атрофига ижодкорларни бириктириш орқали фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга эришиш мумкин.

**Нурхон Жўраева, ФҲҚИЗ биринчи цех оператори, Ёшлар кенгаши раиси:**

— Касаба уюшмалари ходимлари орасида ижодкор, интилувчан ёшлар кўплаб топилади. Газета саҳифаларида уларнинг ижоди учун ҳам ўрин ажратилса, айни муддао бўлур эди.



Машғулотда ёшларнинг қизиқарли мулоҳазалари янги ғояларга туртки берди. Таҳририят вакиллари келгусида ушбу таклифлардан фойдаланиб, саҳифалар мазмун-мундарижасини кенгайтириш, ёшлар учун қизиқарли янги рукнлар ташкил қилишга ваъда беришди.

**Дилроз АБРАЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**
**Икром ХАСАНОВ олган суратлар**

**Таъсис конференциялари**

*Хабарингиз бор, жорий йил 12 июлда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари ҳамда Маданият ходимлари касаба уюшмаларининг таъсис қурултойи ўтказилиб, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тузилди.*

# Ўзаро ишонч ва мустаҳкам жипслик

Ҳозирда вилоятларда мазкур жараён мантиқан давом эттирилиб, қуйи тармоқлар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг V Конференцияси ўтказилди.

Йиғилишда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда ташкилотнинг тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш, тармоқнинг вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига сайланган вакилларини чақириб олиш масаласи кўриб чиқилди.

Тадбирда сўз олганлар ривожланиш учун муҳим жараён — оптималлаштириш мақсадида амалга оширилаётган бу ҳаракатларнинг самараси юқори бўлишига ишонч билдиришди.

Шу куни Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят ташкилотининг I Конференцияси иш бошлади.

Унда тармоқ Марказий кенгаши раиси Н.Акбаров, раис ўринбосари М.Шарифжонов, Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори О.Маматкаримов иштирок этишди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга янада кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан кучли бўлган касаба уюшмаларини барпо этиш, шу асосда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларига айланди, — деди дастлаб сўзга чиққан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чортоқ туман бирлашган қўмитаси раиси Шоҳиста Турғунова. — Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси I Таъсис қурултойидан сўнг туманимизда раёсат қарорига мувофиқ пленум ўтказилди ҳамда бир овоздан пленум аъзолари маданият ходимлари билан қўшилишни қўллаб-қувватладилар. Зеро, аъзолари сони ортган, маблағи ошган янги ташкилотнинг мақсади ҳам юксалади.

Тадбирда, шунингдек, НаМПИ ректори О.Маматкаримов, маданият ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Э.Жалилов, Поп туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Г.Эргашева сўзга чиқиб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган жараённи маъқуллашди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашига бир овоздан Роза Деҳқонова раис этиб сайланди. Шунингдек, йиғилишда тармоқ касаба уюшмаси кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши таркибига вакиллар сайланди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман, ўрта махсус, касб-ҳунар органларини шакллантириш юзасидан вилоят ташкилий қўмитаси тасдиқланиб, жараённинг узлуксиз давом этиши таъминланди.

Йиғинда нафақат оптималлаштиришдан кутилаётган натижалар, шунингдек, келгусидаги режалар, бошланғичлар фаолиятини кучайтириш ҳамда касаба уюшмалари ишини такомиллаштириш билан боғлиқ мақсадлар келишиб олинди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят ташкилотининг I конференциясида сўзга чиққанлар тармоқ касаба уюшмаларида оптималлаштириш тадбири куч ва мақсадлар бирлашуви эканлигини, бу ўзаро ишонч ва мустаҳкам жипсликни таъминлашга хизмат қилажагини таъкидлашди.

Унда тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси, кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси ҳамда вилоят КУТБК таркибига вакиллар сайланиб, тармоқлар касаба уюшмаси туман, шаҳар ҳамда вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими органларини шакллантириш юзасидан жойларда конференциялар ўтказишни ташкиллаштириш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

Ёқуб Рустамов Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

* * *

Худди шундай тадбир Сирдарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят ташкилотининг I конференцияси делегатлари икки тармоқ касаба уюшмаларининг бирлашиши энг оммавий жамоат ташкилоти ишлари янада жонланишига ишонч билдиришди.

Қаршибой Эшназаров якдиллик билан вилоят Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Ташкилий пленумда 9 кишидан иборат раёсат аъзолари ҳамда жамоатчилик асосида фаолият юритадиган кенгаш раисининг ўринбосари сайланди.

**Ўз мухбиримиз**

## Янги кун янгиликлари

### Етти ойда 8,5 мингта иш ўрни

***Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ҳам ўз ўрни бор.***

Йилнинг ўтган етти ойида 72,3 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41 фоизга кўп демакдир. Биргина микрокредит банки ажратган кредит 26 миллиард сўмни ташкил этди.

Молиявий муассасалар кўмагида вилоятда электротехника, кимё, енгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш суратлари ортиб, сервис хизмати ҳам жадаллик билан ривожланяпти. Сўнгги етти ойда 8,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

— Банкдан олган кредит ҳисобига саноат ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор М.Ўсаров. — Суткасига 6 минг килограмм хўжалик қоғози ишлаб чиқаряпмиз. Корхонамизда 15 киши доимий ишли бўлди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Байрам туҳфаси

***«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида Мустақилликнинг 20 йиллиги ўзига хос нишонланди.***

Корхона раҳбари Шермат Шамсиев барчани қутлуғ сана билан қутлагач, кўп йиллар шу ерда ишлаб, нафақага чиққан меҳнат фахрийларига пул мукофотлари топширилди. 107 нафар юбилей ёшига етган ходим совға олди. Шунингдек, ишловчиларнинг Мустақиллик билан тенгдош 20 нафар фарзанди корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитасининг туҳфаларини қабул қилиб олди.

Корхона оталиғида бўлган Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 87 нафари янги кийим-кечак ҳамда 50 минг сўмдан қўйилган омонат дафтарчаларига эга бўлишди. Саховатдан шу тумандаги «Гўдаклар уйи» ҳам бебаҳра қолмади.

Айтгандай, яна бир хушхабар, байрам арафасида корхона томонидан Муборак шаҳрида қурилган 48 хонадонли замонавий уй-жойлар эгаларига топширилди.

**Акмал АБДИЕВ**
**«Ishonch» мухбири**

### Марказ тобора ободонлашмоқда

***Шофиркон тумани маркази кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Кенг ва равон йўллар, гулзорлар, замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган маъмурий, маданий-маиший объектлар ҳудуд чиройига чирой қўшмоқда. Навоий кўчасидаги мусиқа ва санъат мактаби капитал реконструкция қилингач, бошқача кўриниш олди.***

Қурувчилар томонидан қисқа муддат ичида 1 миллиард 472 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2 қаватли ўқув биноси, 150 ўринли ёзги концерт зали, рақс зали, кириш фойеси янгидан қурилди. 75 ва 150 ўринли концерт заллари ҳар жиҳатдан қулайлаштирилди.

Давр талаблари асосида янги қиёфа касб этган мактабда ўқувчиларнинг чуқур билим олиши, маҳоратларини камол топтириши учун яратилган шароитлардан барча мамнун.

Шунингдек, тадбиркорлар З. Неъматова, С. Акрамов томонидан бунёд этилган замонавий лойиҳалар асосидаги қўш қаватли маиший хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари туман марказининг ободонлаштирилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, ўнлаб қўшимча ишчи ўринларини яратишга ҳам имкон берди.

Туман марказида қурилиш, ободонлаштириш, аҳолига қулайликлар яратиш тадбирлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ватан олдидаги масъулият

*Кейинги йилларда қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий турар жойларни айтмайсизми? Касаба уюшмалари элдошларимизда айнан маънавий рағбатнинг туғилишига, шаклланишига, оддийроқ айтганда, юртдошларимиз қалбида эзгу ишларга иштиёқ пайдо бўлишига кўмакдош бўлиб келаётир. Дид бўлмаса, иштиёқ, хоҳиш бўлмаса, қуруқ маблағ эвазига бундай катта, дунёни ҳайратлантирувчи янгиланишларга эришмаган бўлардик.*

2-бет



## Ёш тадбиркорларга мадад

*Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, бу борадаги қобилият ва кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ бир қанча лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқди. Шундай лойиҳалардан бири «Менинг бизнес ғоям» танловидир.*

*Лойиҳа доирасида жорий йилнинг 12-19 сентябр кунлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Қуёшли» оромгоҳида «Камолот» ЁИҲ томонидан 220 нафар танловнинг вилоят босқичи ғолибларини жалб қилиб, кузги ўқув оромгоҳи ташкил қилинди.*

2-бет

## «Кураш ривожига ҳисса қўшиш биз учун шараф»

*Қашқадарёда курашни жуда севишади. Шунинг учун ҳам бу вилоятдан Баҳром Авазов, Исоқ Аҳмедов, Шерали Жўраев каби жаҳон чемпионлари етишиб чиққан. Кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби, бир неча карра мамлакат чемпиони, қатор нуфузли турнирлар ғолиби, халқаро тоифадаги спорт устаси, Қашқадарё вилоят кураш федерацияси директори Баҳром Авазов билан суҳбатимиз эришилган ютуқ ва муаммолар хусусида кечди.*

8-бет



Ishonch

2011-yil 17-sentabr № 115 (2996)

*Мусоҳаба*

# Ватан олдидаги масъулият

## Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасулов билан суҳбат

**— Истиқлол йилларида Хоразм воҳасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Албатта, бунда энг катта жамоат ташкилоти саналмиш касаба уюшмаларининг ҳам муносиб улуши бор.**

— Дарҳақиқат, барча жабҳада бошлаб юборилган ислоҳотлар халқимизнинг анчайин юқори шароитда яшаш ва ишлаш, таълим олиш имкониятларига эгалигини кўрсатди. Пастаккина лойсувоқ уйлар ўрнини замонавий турар жойлар эгаллай бошлади. Қайнатиладиган шприци-ю пенцилин дорисидан бошқа ҳеч вақоси йўқ ФАПлар ўрнига, керак бўлса, ташҳис қўядиган, турли муолажаларни амалга ошириш имкони бўлган ҚВПлар бунёд этилди. Салобатли, ёруғ ва шинам мактаблар қурилди. Қолоқ болалар юбориладиган СПТУ деб номланувчи билим юртлари таълим тизимидан бутунлай чиқариб ташланди, ёшларга ҳам таълим берадиган, ҳам касб-ҳунар ўргатадиган коллежлар ҳаётимизга кириб келди.

Кейинги йилларда қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий турар жойларни айтмайсизми? Касаба уюшмалари элдошларимизда айнан маънавий рағбатнинг туғилишига, шаклланишига, оддийроқ айтганда, у қалбида эзгу ишларга иштиёқ пайдо бўлишига кўмакдош бўлиб келаётир. Дид бўлмаса, иштиёқ, хоҳиш бўлмаса, қуруқ маблағ эвазига бундай катта, дунёни ҳайратлантирувчи янгиланишларга эришмаган бўлардик.

Шу ўринда Урганч шаҳри яна қурилишлар майдонига айланганлигини мамнуният билан қайд қилишни истардим. Тез орада Ал-Хоразмий кўчаси тамомила янги қиёфа касб этади. Урганчдаги кўп қаватли иморатлар, ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув муассасалари, умуман, барча бинолар истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида яна бир карра таъмирдан чиқарилди. Касаба уюшмалари шаҳардаги ўндан зиёд кўп қаватли уйларни таъмирлаб берди. 19-Бобур маҳалласини ободонлаштиришда бевосита касаба уюшма ходимлари иштирок этдилар.

**— Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олди, дейишга барча асослар бор.**

— Энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб нишонлашга қаратилган тадбирлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бешинчи қурултойидан бошланганлигини эътироф этиш жоиз. Етти ёшдан етмиш ёшгача барча элдошларимизнинг қалб амрига айланган «Кўчат экиш савобдир» шиори билан бошланган ташаббус чин маънода байрам туҳфаси бўлди.

Шу ташаббус эвазига вилоятда 17 миллиондан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди. Салкам 400 гектарлик янги боғлар, 38 гектар узумзорлар барпо этилди. 521 гектар боғ ва 91 гектар токзорларда реконструкция ишлари амалга оширилди. Ушбу савоб ишга бош қўшган аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида «Энг яхши боғ», «Энг обод кўча», «Энг обод маҳалла», «Энг ободон корхона» каби ўнлаб номинацияларда танловлар эълон қилдик. Уларнинг ғолиблари мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида тақдирланди.

«Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» шиори остида мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо этган ҳарбий хизматчилар хотирланиб, уларнинг оилаларидан хабар олинди, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларидан 5 нафарининг оиласига моддий ёрдам кўрсатилди. Ватан ҳимоячиларидан 65 та оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди.

Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган оилалардан 230 тасига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Хива Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 40 нафарига ёзги кийим-кечак олиб берилди. Ушбу Меҳрибонлик уйига спорт жиҳозлари ҳадя қилинди. Вилоят болалар уйига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди

Меҳнаткашлар, талаба ва ўқувчилар, олис қишлоқларда яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакилларидан 1265 нафарининг мамлакатимизда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар ва маданият масканларига, юртимизнинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилди. Кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 1500 нафари Тошкент вилояти оромгоҳларида бепул дам олдирилди. Ўзбекистон тоғ-металлургия комбинати ҳомийлигидаги «Ёшлик» оромгоҳида хордиқ чиқарган 60 нафар иқтидорли болаларнинг таассуротлари бир олам. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобига 505 нафар бола Тошкент вилояти оромгоҳларида соғломлаштирилди.

Яна бир гап. Мустақиллик байрами тантаналари янада кўтаринки кайфиятда, юқори савияда ўтказилиши учун вилоятимизда истиқомат қилувчи ижодкорлар ўртасида энг яхши сценарийлар танлови ташкил қилиниб, ғолиблар тақдирланди.

**— Истиқлол йилларида яратилган имкониятлар ҳақида гап кетганда келажагимиз ворислари саналмиш ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни алоҳида эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёшлар билан ишлаш масаласида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ўзбекистон ёшларига бутун дунё ҳавас қилса арзийди. Республикамизда амалга оширилаётган сиёсатни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келаётган касаба уюшмаларининг ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиши табиий. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг ҳамкорлик фаолияти бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга кўтарди.

Ушбу режага мувофиқ, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида Янгибозор тумани «Шунқор» болалар оромгоҳида филология фанлари доктори, профессор П.Шермуҳамедов, етук шоир ва адиб, жамоат арбоби А.Кўчимов, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ходимлари билан учрашув ташкил қилинди. Бундай учрашувлар Шовот туманидаги Ал-Хоразмий, Хива туманидаги «Райҳон», Хонқа туманидаги «Автомобилчи», Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп ниҳоли» каби қатор оромгоҳларда таниқли санъаткорлар иштирокида ўтказилди.

Таълим-тарбия муассасаларида, талаба ва ўқувчи-ёшлар турар жойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди. Ёшлар ўртасида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Мустақиллик фарзандлари», «Буюк аждод ворислари», «XXI аср – интеллектуал бойлик асри», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» мавзуларида учрашув ва семинарлар уюштирилди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи талаба-ўқувчилардан 20 нафарига касаба уюшмаларининг устама стипендиялари таъсис этилди. Шу кунларда «Энг фаол йигирма талаба» танловини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Муҳими, ёшларларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун амалий ёрдам беряпмиз. Мисол учун, қишлоқ жойларда товуқ, қорамол, шунингдек, дарахт, сабзавот кўчатлари олиб бердик. Қизларимизга тикув машиналари, йигитларимизга дурадгорлик асбоблари ҳадя қиляпмиз. Уларнинг иш билан таъминланиши, янги иш ўринлари яратиш масаласига жиддий эътибор қаратяпмиз. Ёз мавсумида олий ўқув юртлари талабаларининг «Бунёдкор» гуруҳларида ободонлаштириш, қурилиш ишларида кўмаклашганликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшмалари уларга яратилган иш, дам олиш шароитини, иш ҳақининг вақтида ва тўла берилишини назорат қилди, фаол ёшлар рағбатлантирилди. Касб-ҳунар коллежлари талабалари учун эса Хонқа туманида «Меҳнат-роҳат» оромгоҳи ташкил қилинди.

**— Касаба уюшмалари элдошларимиз орасида спорт ҳомийси сифатида ҳурмат қозонган. Юртимизда оммавий спортни ривожлантиришда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб қилишда касаба уюшмаларининг хизмати катта.**

— Дарҳақиқат, спортни оммалаштириш, одамларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан. Уни амалга ошириш мақсадида шу йилнинг ўзида 300 дан зиёд мусобақалар, 20 дан зиёд спартакиадалар ташкил қилиниб, уларга минглаб аъзоларимиз жалб қилинди.

Касаба уюшмаларига қарашли болалар спорт мактаби фаолиятини такомиллаштириш, спорт базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Бунинг эвазига ўқувчиларимиз орасида республика ва жаҳон ареналарида ғолиблик шоҳсупасидан жой олаётган ёшлар сафи кенгаймоқда.

Фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида велоспортнинг ҳам ўрни катта. Шундан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари велоспортни ривожлантиришга жиддий ёндаша бошлади. Спорт мактабимизда велоспорт синфи ташкил қилинди. Бундан буён уюштирадиган спартакиадаларимиздан велопойгалар ҳам ўрин олади. Бизнингча, спорт билан ҳар ким ҳар куни шуғулланиши керак. Биз бу шиорни аъзоларимиз орасида кенг тарғиб қиламиз ва албатта, ижобий натижаларга эришамиз.

**«Ishonch» мухбири**
**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
**суҳбатлашди**

*Бандлик*




## 40га яқин йўлланма

**Самарқанд вилояти Ёшлар марказида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркаси йигит-қизларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.**

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада юзга яқин корхона ва ташкилот қатнашди. Шу куни қирққа яқин йигит-қизга ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

**Суратда: Самарқанд шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази меҳнат инспектори Жамшид Назаров ва «Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамиятига ишлаш учун йўлланма олган ёш мутахассис Бекзод Жамбилов.**

**Алишер ИСРОИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Кузги ўқув оромгоҳи*

***Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, бу борадаги қобилият ва кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ бир қанча лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқди. Шундай лойиҳалардан бири «Менинг бизнес ғоям» танловидир. «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ипотека банк» АТИБ, «Микрокредитбанк» ОАТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Агробанк» ОАТБ ҳамкорликда ташкил қилинган танловдан мақсад касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлашдан иборат. Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизмат кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорликни йўлга қўйишда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.***

# Ёш тадбиркорларга мадад

Мазкур лойиҳа тўрт босқичда ташкил қилинди. Биринчи босқичда 22 минг нафардан зиёд касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчилари ўз иншолари билан иштирок этди. Иккинчи босқичда 3815 нафар ёш тадбиркор учун соҳа кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқувлар ташкил қилинди. Учинчи босқичда қатнашган 972 нафар битирувчининг бизнес лойиҳаси ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан кўриб чиқилди ва шундан 132 нафарига танловнинг республика босқичига йўлланма берилди. 108 нафарининг лойиҳаси тижорат банкларининг кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва шунга асосан молиялаштириш тавсия этилди.

Лойиҳа доирасида жорий йилнинг 12-19 сентябр кунлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Қуёшли» оромгоҳида «Камолот» ЁИҲ томонидан 220 нафар танловнинг вилоят босқичи ғолибларини жалб қилиб, кузги ўқув оромгоҳи ташкил қилинди.

Шунингдек, улар учун мутахассислар томонидан «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Банк кредит сиёсатининг асосий талаблари», «Кредитни қайтариш жадвали устида ишлаш», «Нақд пул оқими жадвалини тузиш», «Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари», «Ўз ишини рўйхатдан ўтказиш муаммолари», «Бизнес режа ёзиш талаблари», «Бухгалтерия ҳисоботлари асослари, корхона фаолиятининг молиявий таҳлили» мавзуларида амалий машғулотлар ўтилмоқда.

Ёш тадбиркорлардан 10 нафари «Қишлоқда сервис соҳасини ривожлантириш», «Ишлаб чиқариш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Чекка қишлоқдаги энг яхши тадбиркор», «Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг ёш тадбиркор аёл» ва «Энг ёш тадбиркор» номинациялари бўйича тақдирланиши кўзда тутилган.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,**
**Дилроз АБРАЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабалари**

*Тадбир*

***Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги халқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланиб, барчамизга кўтаринки кайфият бағишламоқда. Байрам тантаналари республика тиббиёт муассасаларида ҳам ўзига хос тарзда кутиб олинди.***

# Муносиб рағбат

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов иштирокчиларни байрам билан қутлаб, тизимда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари меҳнатини эътироф этди ҳамда мустақиллигимиз шарофати билан қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Сўнгра Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси, Бош вазир ўринбосари Элмира Боситхонова, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Асомиддин Камилов, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳмонова, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиевлар ҳам сўзга чиқиб, меҳнати муносиб тақдирланган тиббиёт ходимларини табриклаб, келгусидаги ишларига муваффақият тилашди. Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тасарруфида фаолият юритаётган оилавий поликлиника, тиббиёт муассасалари ходимлари касаба уюшма қўмиталари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов натижалари эълон қилинди. Унда «Йилнинг энг яхши поликлиникаси», «Йилнинг энг яхши касаба уюшма қўмитаси» ва «Йилнинг энг яхши шифокори» номинациялари бўйича совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тиббиёт ходимлари ўртасида анъанага айланган кўрик-танловнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги соҳа мутахассисларининг касб малакасига бўлган иштиёқини ошириш билан бир қаторда, янада масъуллик билан ишлашини тақозо этади. «Йилнинг энг яхши поликлиникаси» номинацияси бўйича туманлардаги 9 та оилавий поликлиника ўртасида ўтказилган танловда фахрли биринчи ўрин Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиникага насиб этди. «Йилнинг энг яхши шифокори» номинацияси бўйича 10 нафар шифокор беллашувида совриндорликни Тошкент шаҳар 1-болалар клиник шифохонаси шифокори Саида Юлдашева қўлга киритди. «Йилнинг энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номинацияси бўйича эса Олмазор туманининг 17-оилавий поликлиникаси ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олди. Шунингдек, тиббиёт муассасалари маънавият ва маърифат хоналарида фаоллик билан иш олиб борган бир гуруҳ мутахассисларга ҳам фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ибодат СОАТОВА**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «ATRNTT Respublika markazi» ДКнинг 23.06.2011 йилдаги 24-п-сонли буйруғига асосан корхона томонидан, корхона ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «Альфа-Ромео» русумли, 1994 йил и/ч, д/р 01/190 DAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 979 000 сўм.

2. «Фиат-Темпра» русумли, 1996 йил и/ч, д/р 01/182 DAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 261 000 сўм.

3. «ГАЗ-3102» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 01/184 DAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 936 353,62 сўм.

4. «Дамас» русумли, 2000 йил и/ч, д/р 10 АО 812 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 031 000 сўм.

5. «Дэу Принц» русумли, 1993 йил и/ч, д/р 01/490 MBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 534 043, 86 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 21 октябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 21 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 28 ва 4 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй. Телефон: 233-20-96. www.rkmb.uz.

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республика Иқтисодиёт Вазирлиги Маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-«А»уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) «Нексия» Волга русумли, 2000 йил и/ч, д/р 01/146GBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 976 720 сўм. 2) «ЗИЛ-130» русумли, 1986 йил и/ч, д/р 10АС504 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 465 867 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 20 октябр куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 20 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 27 октябр ва 3 ноябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**II.** Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 01.07.2011йилдаги 574-сонли буйруғига асосан, «Ўзбек Давлат Цирки» Республика бирлашмасига тегишли, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 18-уй манзилда сақланаётган «УАЗ-452Д» русумли, 1981 йилда и/ч, д/р 10 AR 352 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 824 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 20 октябр куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 20 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 27 октябр ва 3 ноябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**III.** Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Микрокредитбанк» ОАТБ Бошқарувининг 31.05.2011 йилдаги 47-1-сонли қарорига ва «Микрокредитбанк» Тошкент вилояти филиалининг 05.07.2011 йилдаги 41-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 3-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) «Нексия» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 10 AD 714 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 194 000 сўм. 2) «Нексия» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 10 AD 774 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 861 000 сўм. 3) «Тико» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 10 356 SAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 264 000 сўм. 4) «Ваз-21099» русумли, 2000 йил и/ч, д/р 11 AD 835 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 418 000 сўм.5) «Тико» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 10 184 НАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 104 200 сўм. 6) «Ваз-2106» русумли, 2000 йил и/ч, д/р 10 807 КАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 356 360 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 24 октябр куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 24 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 31 октябр ва 7 ноябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Ishonch
2011-yil 17-sentabr № 115 (2996)

*(Давоми. Боши 3-бетда)*

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Бухоро вилояти, Когон шаҳар Бирдамлик кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 90 240 сўм.

**2.** Чойхона биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Когон шаҳар М.Таробий кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 180 480 сўм.

**3.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Бухоро вилояти, Когон шаҳар Хўжабарги МФЙ, Коровулбозор шох кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 300,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 135 360 сўм.

**4.** Чойхона биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Когон шаҳар Гулистон кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 1200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 586 560 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Когон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 27 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Когон шаҳар ҳокимлиги биносида 2011 йил 28 октябр куни соат 10:00 да очилади, 2011 йил 28 октябр куни соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 28 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йилнинг 4 ноябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 3 ноябр соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Когон шаҳар ҳокимлиги биносида 2011 йил 4 ноябр куни соат 10:00 да очилади, 2011 йил 4 ноябр куни соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Жондор тумани ҳокимининг 2011 йил 8 сентябрдаги 926-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Маиший хизмат биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 21 900 сўм.

**2.** Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 90,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 32 900 сўм.

**3.** Сомсахона қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 21 900 сўм.

**4.** Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бири 30,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг минимал қиймати — 11 900 сўм.

**5.** Сартарошхона қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 30,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 11 900 сўм.

**6.** Гўзаллик салони қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 30,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 11 900 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 27 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор ҳокимлиги биносида 2011 йил 28 октябр куни соат 12:00 да очилади, 2011 йил 28 октябр куни соат 17:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 28 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йилнинг 4 ноябр куни соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 3 ноябр соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 4 ноябр куни соат 12:00 да очилади, 2011 йил 4 ноябр куни соат 17:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй, Давлат мулкини бошқариш Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси биноси. Тел/факс: (8-365) 223-71-36, 223-71-30 электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия № RR 0001.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ОАТ «Турон банк» Бухоро филиалининг Мустақиллик минибанки, ҳ/р: 20208000304920609016, МФО 00111, СИТР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй, Давлат мулкини бошқариш Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси биноси.

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг танлов савдолари**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани ҳокимининг 2011 йил 7 сентябрдаги 1201-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Ишлаб чиқариш объектлари (комбикорм, колбаса ва сутни қайта ишлаб чиқариш цехлари) бинолари қурилиши учун Мирзаобод тумани, Тошкент ҚФЙ, Наврўз маҳалласи ҳудудидаги МТП биноси атрофида жойлашган 3 дона 0,10 га ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқи минимал қиймати — 223 300 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Мирзаобод туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 30 августгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 24 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Мирзаобод туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 25 октябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 25 октябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 25 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йилнинг 8 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 18:00 соат 7 ноябрда тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Мирзаобод туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 8 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 8 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти, Гулистон тумани ҳокимининг 2011 йил 9 сентябрдаги 723-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ва савдо дўкони» қурилиши учун Гулистон тумани, Деҳқонобод шаҳарчаси, А.Яссавий маҳалласи, А.Яссавий кўчасидаги собиқ «Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси» ҳудудида жойлашган 1 дона 350 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқи минимал қиймати — 41 265 сўм.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йилнинг 31 октябр куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2011 йилнинг 7 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 4 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қўшработ тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 7 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 7 ноябр куни соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**XII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Иштихон тумани ҳокимининг 2011 йил 10 сентябрдаги №519-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани Урташик ҚФЙ, Шайхлар қишлоғи ҳудудида жойлашган, 240,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 80 160 сўм;

**2)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани Ҳалқобод ҚФЙ, Ҳалқобод қишлоғи ҳудудида жойлашган, 100,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 38 700 сўм;

**3)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани Файзиобод ҚФЙ, ишлаб чиқариш зонаси ҳудудида жойлашган, 1200,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 464 400 сўм;

**4)** «Музқаймоқ павилони», «Ошхона» ва «Чойхона» объектлари қуриш учун Иштихон тумани Иштихон кўчаси, Марказий истироҳат боғи ҳудудида жойлашган, 700,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 330 400 сўм;

**5)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани Митан шаҳарчаси, А.Темур кўчасида жойлашган, 240,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати —113 280 сўм;

**6)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани «Азамат» қишлоғи ҳудудида жойлашган, 100,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 38 700 сўм;

**7)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани «Ҳақиқат» ҚФЙ, «Одил» қишлоғи ҳудудида жойлашган, 100,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 33 400 сўм;

**8)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Иштихон тумани «Курли» ҚФЙ, «Қайирма» қишлоғи ҳудудида жойлашган, 100,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 33 400 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Иштихон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 15 августигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йилнинг 28 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин «Танлов ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Иштихон тумани Иштихон шаҳарчаси, Иштихон туман ҳокимлиги биносида 2011 йилнинг 31 октябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 31 октябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йилнинг 31 октябр куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2011 йилнинг 8 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 7 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Иштихон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 8 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 8 ноябр куни соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**XIII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Нарпай туман ҳокимининг 2011 йил 13 сентябрдаги №364-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1)** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Нарпай тумани Олтиўғил ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 400,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати —109 023 сўм;

**2)** Савдо ва умумий овқатланиш биноси қуриш учун Нарпай тумани Олтиўғил ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 300,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 81 767 сўм;

**3)** Ахолига майиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Нарпай тумани Олтиўғил ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 300,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 81 767 сўм;

**4)** Савдо ва майиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Нарпай тумани Чақар ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 400,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 109 023 сўм;

**5)** Автомабилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Нарпай тумани Чақар ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 400,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати —109023 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Нарпай тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 15 августигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йилнинг 28 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин «Танлов ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Нарпай тумани Оқтош шаҳри, А. Навоий кўчаси 64-уй, Нарпай туман ҳокимлиги биносида 2011 йилнинг 31 октябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 31 октябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йилнинг 31 октябр куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2011 йилнинг 7 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 4 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Нарпай тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 7 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 7 ноябр куни соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**XIV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 13 сентябрдаги №564-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ва узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқлари қўйилмоқда:**

**1)** Савдо дўкони биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Самарқанд шоҳ кўчаси ҳудудида жойлашган, 170,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 56 724 сўм;

**2)** Якка тартибда уй-жой қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўчаси собиқ автокорхона ҳудудида, 23000 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 713 000 сўм;

**3)** Савдо мажмуаси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар У.Барноев кўчаси ҳудудида жойлашган, 350,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 116 784 сўм;

**4)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Самарқанд шоҳ кўчаси ҳудудида жойлашган, 2600,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 867 532 сўм;

**5)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, омборхона биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар А.Навоий майдони ҳудудида жойлашган, 600,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 200 200 сўм;

**6)** Ошхона, маданий-маиший савдо мажмуаси биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, 3000,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 000 998 сўм;

**7)** Якка тартибда уй-жой қуриш учун Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, 11 000,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 314 000 сўм;

**8)** Савдо мажмуаси биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчаси ҳудудида жойлашган, 800,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 266 933 сўм;

**9)** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўчаси ҳудудида жойлашган, 120,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 40 040 сўм;

**10)** Якка тартибда уй-жой биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар У.Барноев кўчаси ҳудудида жойлашган, 32000,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 992 000 сўм;

**11)** Меҳмонхона ва ошхона биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, 1500,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 500 449 сўм;

**12)** Енгил типдаги музқаймоқ павильиони қуриш учун Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, 200,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 66 734 сўм;

**13)** Тўйхона ва болалар дам олиш майдончаси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғони Ибн Сино кўчаси ҳудудида жойлашган, 1200,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддат фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 400 399 сўм;

**14)** Музқаймоқ павильиони ва тўйлар маскани қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғони Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган, 2300,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 767 432 сўм;

**15)** Якка тартибда уй-жой қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғони Ўзбекистон кўчаси ҳудудида жойлашган, 32000,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 992 000 сўм;

**16)** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғони Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган, 170,0 кв.м. дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 56 724 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Каттақўрғон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 15 августигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йилнинг 1 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин «Танлов ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Каттақўрғон шаҳари, А.Темур кўчаси 4-уй, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги биносида 2011 йилнинг 2 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 2 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йилнинг 2 ноябр куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2011 йилнинг 9 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 8 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги биносида 2011 йил 9 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 9 ноябр куни соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**XV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Каттақўрғон тумани ҳокимининг 2011 йил 13 сентябрдаги № 820-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси, умумий овқатланиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноси қуриш учун Гирдиқўрғон ҚФЙ Чуянчи қишлоғи ҳудудида жойлашган, 1800 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 490 602 сўм;

**2)** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Гирдиқўрғон ҚФЙ, Ёдгорхўжа қишлоғи ҳудудида жойлашган, 600 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 160 534 сўм;

**3)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Жумабой ҚФЙ Жумабой қишлоғи ҳудудида жойлашган, 250 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 81 767 сўм;

**4)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Мойбулок ҚФЙ Мойбулок қишлоғи ҳудудида жойлашган, 1400 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 381 579 сўм;

5) Пахтани қайта ишлаш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Қуштепа ҚФЙ Қуштепа қишлоғи ҳудудида жойлашган, 500 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 136 278 сўм;

**6)** Ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Каттаминг ҚФЙ Каттаминг қишлоғи ҳудудида жойлашган, 300 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 81 767 сўм;

**7)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси, умумий овқатланиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Саройқўрғон ҚФЙ Мухтор қишлоғи ҳудудида жойлашган, 4800 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати —1 308 272 сўм;

**8)** Маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Каттақўрғон тумани Кичик Мундиён ҚФЙ, Мундиён қишлоғи ҳудудида жойлашган, 600 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 63 534 сўм;

**9)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Каттакурпа ҚФЙ Абулкосим қишлоғи ҳудудида жойлашган, 1600 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 436 091сўм;

**10)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Дурбеш ҚФЙ Хўжақўрғон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 800 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 218 045 сўм;

**11)** Савдо дўкони қуриш учун Дурбеш ҚФЙ Дурбеш қишлоғи ҳудудида жойлашган, 200 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 54 511 сўм;

**12)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Пайшанба ШФЙ Кадан маҳалласи ҳудудида жойлашган, 600 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати —163 534 сўм;

**13)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Пайшанба ШФЙ Кадан маҳалласи ҳудудида жойлашган, 200 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 54 511 сўм;

**14)** Савдо дўконлари қуриш учун Пайшанба ШФЙ М. Улуғбек маҳалласи ҳудудида жойлашган, 300 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 81 767 сўм;

**15)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Каттакурпа ҚФЙ Каттакурпа қишлоғи ҳудудида жойлашган, 200 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 54 511 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Каттақўрғон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 15 августигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йилнинг 2 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин «Танлов ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Каттақўрғон тумани Навоий кўчаси 1-уй, Каттақўрғон туман ҳокимлиги биносида 2011 йилнинг 3 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 3 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йилнинг 3 ноябр куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2011 йилнинг 10 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 9 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Каттақўрғон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 10 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 10 ноябр куни соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**XVI. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Пахтачи тумани ҳокимининг 2011 йил 12 сентябрдаги № 314-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1)** Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Пахтачи тумани, Мисит ҚФЙ Сулувқўрғон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 500 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 136 800 сўм;

**2)** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Пахтачи тумани, Мисит ҚФЙ Сулувқўрғон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 700 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 190 800 сўм;

**3)** Умумий овқатланиш биноси қуриш учун Пахтачи тумани, Мисит ҚФЙ Сулувқўрғон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 800 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 219 080 сўм;

**4)** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Пахтачи тумани, Султонобод ҚФЙ Сардоба қишлоғи ҳудудида жойлашган, 400 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 109 040 сўм;

**5)** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун Пахтачи тумани, Султонобод ҚФЙ Сардоба қишлоғи ҳудудида жойлашган, 400 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 109 040 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтачи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг 15 августигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йилнинг 10 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин «Танлов ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтачи тумани Зиявуддин шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси-59-уй, Пахтачи туман ҳокимлиги биносида 2011 йилнинг 11 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 11 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йилнинг 11 ноябр куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2011 йилнинг 18 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 17 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Иштихон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 18 ноябр куни соат 11:00 да очилади ва 2011 йил 18 ноябр куни соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси 85-«А» уй, Тел/факс: (8-366) 233-80-56, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия № RR 0001.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АКБ «Турон банк» Самарқанд бўлими: Х/р 20208000104920609013, МФО:00282 СТИР:207122519

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Бўстон Сарой кўчаси 85-А -уй. Мурожаат учун тел: 8 (366) 233-80-56. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 17-sentabr № 115 (2996)

## ● Дориломон кунлар шукронаси



Бухоро шаҳридаги Сувобод маҳалласида яшовчи Ёдгор момо Бердиева юз билан юзлашган онахонлардан.

Шу кунларда онахоннинг хонадони янада гавжумлашган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида бир гуруҳ табаррук нуронийлар қаторида «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Ёдгор момони таниган-билганлар қўшалоқ шодёна билан қутлагани келмоқда. Бугунги дориломон кунларни кўриш насиб этганига шукр қилиб яшаётган Ёдгор момонинг қувончи чексиз.

**Суратда: Ёдгор момо Бердиева оила аъзолари даврасида.**

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

*Журналнинг янги сони*

# Давр руҳига ҳамоҳанг




***Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуассислигида ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этиладиган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди.***

Илк саҳифаларда чоп этилган «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» сарлавҳали мақолада икки ўн йилда қўлга киритилган ютуқлар, мамлакат иқтисодининг ўсиши, аҳоли турмуш тарзининг ўзгарганлиги таъкидланади. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи, педагогика фанлари доктори Муҳаммад Қуроновнинг «Ўзбек халқининг тарихий ғалабаси» мақоласида ҳам шу мавзуда сўз юритилиб, истиқлол деганда миллий давлатчилигимиз, тарихий қадриятларимизнинг қайта тикланиши тушунилишига урғу берилади.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоевнинг «Ижтимоий ҳимоя — амалда» рукнида чоп этилган «Ижтимоий шериклик самараси» мақоласида эса истиқлол йилларида касаба уюшмалари фаолиятида содир бўлган ижобий ўзгаришлар, меҳнаткашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб бораётгани, бунда тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси ҳақида сўз боради.

«Соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнатга оид муносабатлар бўйича жамоатчилик асосида назоратни самарали йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш қонунчилигига риоя этилишини текшириш, шунингдек, шикоят ва аризаларнинг қонуний ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг учун Марказий кенгаш томонидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини олиб борувчи комиссия аъзолари учун иккита қўлланма, 4 та йўриқнома, касаба уюшма фаоллари учун 16 та тушунтириш хати ва тавсияномалар тайёрланиб, жойларга етказилди», деяйилади мақолада.

Шунингдек, мамлакатда мобил алоқа хизматининг ривожланаётгани, МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилаётгани, бу жараёнлар 2015 йилга келиб ниҳоясига етказилиши, интернет тармоғидан фойдаланувчилар 6,6 миллион кишини ташкил этаётгани айтиб ўтилади.

Бундан ташқари, журналда юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг «Европа, Марказий Осиё ва Шимолий Америка мактаб тизимида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим: муваффақиятли амалиёт тўплами» (Варшава: Анджей Адамика матбаасининг 2009 йили – 238.) китобига тақризи, Давлат ва жамият қурилиш академияси тадқиқотчиси Даврон Бекчановнинг «Некоторые особенности осуществления парламентского контроля в Узбекистане» ва бошқа қатор қизиқарли мақолалар эълон қилинган.

**У. ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни*



***Қашқадарёда курашни жуда севишади. Шунинг учун ҳам бу вилоятдан Баҳром Авазов, Исоқ Аҳмедов, Шерали Жўраев каби жаҳон чемпионлари етишиб чиққан. Кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби, бир неча карра мамлакат чемпиони, қатор нуфузли турнирлар ғолиби, халқаро тоифадаги спорт устаси, Қашқадарё вилоят кураш федерацияси директори Баҳром Авазов билан суҳбатимиз эришилган ютуқ ва муаммолар хусусида кечди.***

**Баҳром АВАЗОВ:**

# «Биз ажриқ устида шуғулланганмиз...»

***— Баҳром ака, сиз айни пайтда фахрийлар ўртасидаги мусобақаларда ўз омадингизни синаб кўряпсиз. 2010 йилнинг сўнгги ойида Францияда ўтган халқаро турнирда фахрийлар ўртасида мутлақ вазнда бош соврин соҳибига айландингиз. Европа курашимизни қандай ўзлаштирмоқда?***

— Францияда анъанавий Ислом Каримов халқаро турнири юқори савияда ташкил этилди. Кўҳна қитъада курашимизга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани қалбимизни ифтихор туйғусига тўлдирди. Яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, биздаги спорт учун яратилган шароитлар Франция ва бошқа Европа давлатларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас.

***— Қашқадарё вилоят терма жамоаси ўтган йил Қарши шаҳрида ташкил этилган кураш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритганди. Бу йилги баҳсларга тайёргарлик қандай кетяпти?***

— Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти полвонларидан кейин учинчи бўлиш — менимча, ёмон натижа эмас. Кези келганда, қашқадарёлик полвонлар турли олий ўқув юртларида, спорт коллежларида ўқиб, бошқа ҳудудлар терма жамоаси шарафини ҳимоя қилаётганини инобатга олиш ҳам керак.

Эътиборли томони шундаки, 2005 йилда иш бошлаган вилоят спорт-соғломлаштириш кураш марказида шуғулланган бир қатор ёшлар терма жамоа сафида ўзларини кўрсатишди. 73 кг. вазн тоифасида Давлат Абраев, 90 кг. вазнда Соиб Қурбонов бош мукофот соҳиби бўлди, 66 кг. вазндаги полвонимиз Алишер Дўстов 3-ўринни эгаллади. Умид Жўраев ҳам мутахассислар томонидан эътироф этилди. Ниятимиз, бу йил янада юқорироқ ўринлар учун кураш олиб бориш.

***— Кураш маркази ҳақида ҳам қисқача маълумот берсангиз.***

— Вилоят терма жамоаси устози Нодир Эшонқулов, мураббийлар Аслиддин Холматов, Азиз Шоназаров, Баҳодир Йўлдошев, Илҳом Холиёров билан бирга 200 нафардан ортиқ ўсмир ва ёшларга кураш ҳамда дзю-до сирларини ўргатаяпмиз. Марказ ҳомийлар кўмаги билан фаолият юритаяпти. Қўшимча маблағлар ишлаб топиш учун иссиқхона ташкил этиш режаси ҳам бор.

***— Қарши Давлат университети Жисмоний маданият факултетининг «Спорт асослари» кафедраси мудири сифатида спорт мураббийлари тайёрлаш ишига ҳам ўз ҳиссангизни қўшаётганингиздан хабаримиз бор. Шу ўринда устозларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Ғузор туманида туғилганман. Мактабимизда спорт зали, кураш гиламлари деган нарсалар йўқ эди. Ажриқнинг устида кураш тушардик. Амаким Пирназар Авазов ўз маслаҳатини бериб, тўй курашларда далда бўларди. Қарши Давлат университетига ўқишга кирганимда Ноил Ҳусниддиновдан илк расмий сабоқларни олдим. 1990 йилларда Вадим Малковдан кураш ва дзю-до сирларини ўргандим. Дзю-до бўйича собиқ Иттифоқ миқёсида спорт устаси бўлдим. Қозоғистонда ўтган халқаро турнирда ғолиб бўлиш насиб этди.

Кейин Михаил Омариев устозлик қилди. Шунингдек, Сайфулла Расулов, Мавлон Ахмоновдан ҳам кўп нарсаларни ўрганганман. Фурқат Қаҳҳоров билан ўқиганмиз, у тўй курашларда доимо мендан ўз маслаҳатини аямасди. Юқоридаги фидойи инсонлар хизмати эвазига профессионал спортчи бўлиб етишдим, жаҳон чемпиони бўлдим.

***— Келинг, жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритган унутилмас йилларни яна ёдга олайлик...***

— 1999 йилда Тошкент шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида 90 кг. вазн тоифасида бронза медали насиб этди. Орадан бир йил ўтиб, Анталияда ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида бош совринга эришдим. 2001 йилда эса Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўтган дунё мусобақасида мутлақ вазнда бразилиялик Мари Сабонни ҳалол йиқитиб, иккинчи олтин медал соҳиби бўлдим. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофати, юртимизда спортга берилаётган эътибор самарасидир.

Абдулла Тангриев, Ришод Собиров каби Жаҳон чемпионатлари ва Осиё ўйинлари ғолиблари бўлган кучли полвонларимиз бор. Ёшларимиз уларга ҳавас билан машғулотларда иштирок этишса, машаққатларга бардош беришса, кўзлаган мақсадига албатта эришишади.

***— Вилоятда курашга берилаётган эътибор қай даражада?***

— Вилоятимизда спортга катта эътибор берилади. Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир юқори савияда ўтиши ҳам бежиз эмас. Жорий йилда Чироқчи туманида Жўра ҳожи полвон Тўйчиев хотирасига бағишланган йирик турнир юқори савияда ташкил этилди. Унга республикамизнинг барча донгдор полвонлари ташриф буюрди. Умуман олганда, вилоятда кураш ва бошқа спорт турлари бўйича истеъдодли спортчиларни тарбиялайдиган мактаб-интернати бўлса, чемпионларимиз сони яна ҳам ошган бўларди.

***— Оилангизда ҳам курашга меҳр қўйганлар бўлиши табиий.***

— Ўғлим Жалолиддин 4-синфни тугатди. У ўз тенгқурлари орасида вилоят чемпионлигига эришди.

***— Орзуларингиз...***

— Курашчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионати мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишини орзу қиламан. Ёш авлод соғлом бўлсин. Шу йўлда меҳнат қилиш, шунга ҳисса қўшиш биз учун шараф!

**«Ishonch» мухбири**
**Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди**

*Орамиздаги одамлар*

***Касбини улуғлаётган, эл ҳурматига сазовор инсонлар ҳақида гап кетса, Марғилон шаҳридаги «Шалдирама» маҳалла фуқаролар йиғинидаги шаҳар почта алоқаси тармоғи 6-бўлими хабарчиси Диёрбек Суяров кўз олдимга келади.***

# Почтачи

— Ишга келганимда, бўлимда 25 йилдан буён ишлаётган хабарчи Расулжон ака Тоштемиров менга устозлик қилиб, соҳасининг икир-чикирларини ўргатди, — дейди Диёрбек. — Жонкуяр почтачи ҳақида фақат яхши гап эшитасиз.

— Диёрбек ҳалоллиги, хушмуомалалиги боис қадр топди, — деди 6-почта бўлими бошлиғи Нодира Холматова. — «Шалдирама» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги О.Абдуғафуров, Т.Алиев, Муқимий, Эркин, Увайсий номли, «Байрам» ва бошқа кўчалардаги 460 хонадонда яшовчи 3120 нафар фуқарога газета-журналлар, хат-хабарлар, пенсия ва нафақа пулларини ўз вақтида етказиб берилишида унинг ҳиссаси катта.

— Мен иш кунимни, энг аввало, бемор ва қарияларнинг пенсия пулларини олиб бориб беришдан бошлайман, — дейди Д.Суяров.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

*Буни ҳамма ҳам билавермайди*

# ЖАВОБНИ КИТОБДАН ҚИДИРИНГ



Қизалоқ қўғирчоғини ўйнаб ўтириб, дабдурустдан онасига «Ойи, болалар қаердан пайдо бўлади?» деб савол беради. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Чунки 4-5 ёшга кирган қиздир, ўғилдир катталарни адоқсиз саволларга кўмиб ташлайди.

Бир пайтлар ота-онамиз бизнинг саволимизга «сени лайлак олиб келган» деб жавоб беришарди. Аммо оила руҳшунослари бунинг нотўғри эканлигини исботлашди. Ундан кўра, кўпролоқ бўлса ҳам онангнинг қорнидан чиққансан, дейилса тўғрироқ бўлади. Албатта, болакай бу жавобдан қониқади, лекин...

Ён қўшнимизнинг ўғли Ойбек отасидан шундай жавобни эшитиб, яна саволга тутди. «Онамнинг қорнидан чиққан бўлсам, унга қандай кириб олганман». Қўшним нима деярини билмай чайналди.

Бундай пайтда баъзи ота-оналар узундан-узоқ тушунтириш бошлайди. Бу ҳам тўғри эмас. Саволларга қисқа, аниқ жавоб беришга ҳаракат қилиш, боланинг 4-5 ёшда нақ «терговчи»га айланиши оддий ўткинчи ҳол эканлигини чуқур ҳис этиш ва сабрли бўлиш лозим.

Масалан, танишлардан кимдир вафот этса, болангизда савол туғилиши табиий.

— Нега одам ўлади? Нима, у энди тирилмайдими, уйига бошқа қайтиб келмайдими?

Руҳшунослар бундай ҳолатда ҳақиқатни айтиш, ўлим ва ҳаёт ҳақида содда тушунча бериш лозимлигини тавсия қилишади.

Набирангиз боғчадан югуриб келиб:

— Худо дейсиз, унинг ҳам ота-онаси борми? — деб савол беради.

Сиз унга: — «Катта бўлганингда билиб оласан, бошни қотирма, вақтим йўқ,» дейсиз, қутулиш учун. Бу албатта, хато.

Ота-онасига бундай ғалати саволларни бераётган бола нафақат ўз қизиқишини қондириш учун, балки ота-онанинг ёки бобо-бувининг эътиборини кўпроқ тортиш истагида бўлиши ҳам мумкин. Чунки улар билан мулоқот кичкинтойга жуда катта ҳузур бағишлайди. Бундай кезларда жеркимасдан, дилдан гаплашсангиз, фарзандингизга қувонч бағишлаган, унинг мурғак қалбига йўл топган бўласиз.

— Ойи, кенгурунинг қорнида нега сумкаси бор? Саҳрода қумлар қандай яшайди, ахир сув йўқ-ку? Нима учун филнинг қулоғи катта?

Айни пайтда она саволларнинг жавобини билмаса, лол. Ноилож:

— Бошимни қотирма, овқатингни е! — дейди.

Бундай қўрслик боланинг мурғак кўнглини синдириб қўйиши мумкин. Унинг ўрнига зоология дарслигини ёки энциклопедияни кўздан кечириб, аниқ жавоб берилса, ёки «китобни ўқиб сенга тушунтириб бераман, болам», дейилса нур устига аъло нур бўлади.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши раиси

**Юлдаш АТАЖОНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 911

13761 nusxada bosildi

1 2